

Ўзбекистон Республикаси номидан Ҳ У К М

2023 йил январь ойининг 11 кuni жиноят ишлари бўйича Ургут туман судининг очиқ суд мажлиси ўз биносида бўлиб, раислик қилувчи судья Г.Негматов, судья ёрдамчиси П.Рахмоновнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Ургут туман прокурорининг катта ёрдамчиси У.Рахимов, судланувчи А.Неъматов ва унинг ҳимоячиси Ургут туманидаги “Ҳуқуқ кўзгуси” адвокатлик бюроси адвокати С.Бобаев, жабрланувчи Э.Эшовларнинг иштирокида, Неъматов Асатулло Махмудовичга нисбатан 1-1416-2301/3-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Неъматов Асатулло Махмудович (Ne'matov Asatullo Maxmudovich), 1983 йил 23 июль кuni Самарқанд вилояти, Ургут туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилалик, 3 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, яқка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланади, Ургут тумани, “Оқмачит” маҳалласида яшайди, иш бўйича унга нисбатан “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 27.12.2022 йилда олган, соғлом,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми ва 28,211-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд, очиқ суд мажлисида судланувчи ва жабрланувчининг кўргазмаларини тинглаб, ишдаги ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, тарафларнинг музокара сўзлари, судланувчининг охирги сўзини эшитиб, қўйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи Неъматов Асатулло Махмудович – фирибгарлик, яъни алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида, 2019 йил ноябрь ойида Ургут тумани “Муминобод” маҳалласида яшовчи таниши Эшов Элёр Умаровични алдаб, уни ишончига кириб, унга Ургут тумани “Оқмачит” маҳалласи ҳудудидан 4 сотих ер майдонини дўкон қуришлик учун ажратиб, унинг номига ҳужжатлаштириб беришини ваъда қилиб 1900 АҚШ доллари (Ўзбекистон Республикаси миллий валютасига нисбатан 01.11.2019 йилда, 1 АҚШ доллари 9.494 сум 68 тийин) миқдоридagi пулларни фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, пулларни ўзининг эҳтиёжлари учун сарфлаган

Суд мажлисида сўроқ қилинган судланувчи Неъматов Асатулло Махмудович ўз кўргазмасида, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, Ургут тумани “Оқмачит” маҳалласида яшаб келишлиги, шу вақтга қадар давлат идораларида ёки бирор-бир хусусий ташкилотларда ишламаганлиги ҳамда



мансабдор танишлари йўқлиги, Ургут тумани “Мангитобод” маҳалласида яшовчи Баҳриддинни олдиндан танишлиги, Баҳриддин орқали шу маҳаллада яшовчи Эшов Элёр билан танишиб қолганлиги, 2019 йил тахминан ноябрь ойида Баҳриддин унга қўнғироқ қилиб, Эшов Элёр исми таниши борлигини, унга дўкон қуришлик учун ер кераклигини, онлайн ўйналадиган аукцион орқали бўлса ёрдам беришини сўраганида у рози бўлганлиги, шундан сўнг Баҳриддин Эшов Элёрни у билан учраштириб, ўзи қайтиб кетганлиги, дастлаб у Эшов Элёр билан “Оқмачит” маҳалласининг марказида кўришиб, ер масаласида гаплашиб олишганлиги, Эшов Элёр унга “Оқмачит” маҳалласи ҳудудида жойлашган тахминан 4 сотих ерни ўзининг номига ҳужжатлаштириб олишлик учун ҳаракат қилиб келаётганлигини, агар уни қўлидан келса ҳужжатларини тўғирлаб номига ўтказиб олишга ёрдам беришини сўраганида у рози бўлганлиги, Эшов Элёр унга тахминан қанча ҳаражат кетишини сўраганида у ҳужжатларни расмийлаштириш учун 2.500 АҚШ доллари ҳаражат кетишлигини айтганлиги, орадан тахминан 10 кунлар ўтиб, Эшов Элёр билан яна маҳалла марказида кўришиб, Эшов Элёр олиб келган 600 АҚШ долларини олганлиги, 2019 йил декабрь ойида яна Эшов Элёрдан ерни ҳужжатларини расмийлаштириш учун деб ундан 1.300 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни олганлиги, бироқ маҳалла ҳудудида жойлашган тахминан 4 сотих ерни дўкон қуришлик учун Эшов Элёрга ҳужжатларини тўғирлаб беришнинг имкони бўлмаганлиги, бунга сабаб, ушбу 4 сотих ер йўлнинг четида жойлашганлиги ва фермер хўжалигига тегишли бўлганлиги учун аукцион орқали ҳам ҳужжатлаштириш имконияти бўлмаганлиги, Эшов Элёрдан олган 1.900 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборганлиги, бироқ у Э.Эшовга 4 сотих ер майдонини ҳокимлик ёки бошқа ташкилотларда ишловчи танишларига у берган пулнинг бир қисмини бериб, ҳужжатларни расмийлаштириб беришлиги тўғрисида айтмаганлиги, уларни ўртасида бу мазмунда гап бўлмаганлигини, бирон бир шахсга пора бериш мақсади бўлмаганлигини, фақатгина онлайн аукцион бўлган вақтда ер майдони бўлиб қолса, шу ер майдонини ҳужжатлаштириш учун кетадиган ҳаражатларини назарда тутиб, ҳаражатлари бор деб айтганлигини баён қилиб, шу қилмишидан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини инobatга олган ҳолда қонуний енгиллик беришни сўради;

Судланувчи А.Неъматов суд мажлисида қўйилган айбга тўлиқ иқрорлик билдириб кўргазма берган бўлса-да, унинг айби судда сўралган жабрланувчининг кўргазмаси ҳамда иш ҳужжатларида мавжуд бўлган инкор этиб бўлмайдиган қуйидаги далиллар йиғиндиси билан тўлиқ исботланган.

Суд мажлисида сўралган жабрланувчи Эшов Элёр Умаровичнинг, Ургут тумани “Оқмачит” маҳалласида яшовчи Неъматов Асатуллони 2018 йилдан буён танишлиги, 2019 йилда Ургут тумани “Оқмачит” маҳалласидан ўтувчи йўл четида жойлашган 4 сотих ер майдонига дўкон қуриш мақсадида, шу ерни ўзини номига ҳужжатлаштириш мақсадида одамлардан маслаҳат сўраган вақтида маҳалладоши Баҳриддин унга “Оқмачит” маҳалласида яшовчи Неъматов Асатуллони тавсия қилганлиги,



шунда у А.Неъматовга қўнғироқ қилиб, 4 сотих ер борлигини, шу ерни хужжатлаштириш кераклигини айтганида А.Неъматов унга ерни хужжатлаштиришига ёрдам беришлигини айтганлиги, шундан сўнг у А.Неъматов билан 2019 йил ноябрь ойларида учрашган вақтида А.Неъматов унга ернинг хужжатлари учун 3.000 АҚШ доллари ҳаражат кетишини айтгач у дастлаб ноябрь ойида 600 АҚШ доллари ва ундан сўнг декабр ойига қадар яна 1.300 АҚШ доллари миқдорида жами 1.900 АҚШ доллари миқдорида пулларни берганлиги, аммо А.Неъматов ерни хужжатларини тўғрилаб бермасдан, уни алдаб келганлиги, бироқ А.Неъматов 4 сотих ер майдонини унинг номига хужжатларини расмийлаштириб беришида юқори ташкилотларда ишловчи мансабдор танишларига ундан олган сумманинг бир қисмини беришлиги тўғрисида айтмаганлиги, бу ишни айнан қайси мансабдор шахс орқали амалга оширишлиги тўғрисида ҳам айтмаганлиги, унга фақатгина хужжатларни расмийлаштириш учун ҳаражатларига ишлатишини айтиб ундан 1.900 АҚШ доллари пулларини олганлигини баён қилиб, ҳозирда етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлиги сабабли судланувчи А.Неъматовга нисбатан даъвоси йўқлиги, унга қонуний енгиллик беришни сўрашлиги ҳақидаги кўрсатуви билан;

Бундан ташқари, судланувчи А.Неъматовнинг айби, дастлабки тергов хужжатлари билан, яъни, ариза, Э.Эшовга тегишли бўлган телефон аппаратини кўздан кечириш тўғрисидаги баённома ва унга илова қилинган ДВД диск, нарсани кўздан кечириш тўғрисидаги баённома ва унга илова қилинган фотожадвал, нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш ва жиноят ишига қўшиб қўйиш тўғрисидаги қарор, тушунтириш хатлари, сўроқ баённомалари, юзлаштириш баённомалари, жабрланувчи деб эътироф этиш тўғрисидаги қарор ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа бир қатор объектив далиллар билан ҳам тўлиқ ўз исботини топди.

Суд, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги «Суд ҳукми тўғрисида»ги 7-сонли Қарорининг 5-бандида «Судларнинг эътибори, ЖПКнинг 22-моддасига биноан иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат қонунда назарда тутилган тартибда тўпланган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланиш мумкинлигига қаратилсин. Судлар ҳукм ЖПКнинг 26, 90 ва 455-моддалари талабига биноан фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асосланган бўлиши лозимлигини эътиборга олишлари керак. Суд ҳукмда, суриштирув, дастлабки тергов ёки бошқа суд мажлисидаги судланувчи, жабрланувчи, гувоҳларнинг кўрсатувларига, экспертларнинг хулосаларига ва тергов ҳаракатларининг баённомаларига, ЖПКнинг 443-моддасига мувофиқ, ушбу далилларга фақатгина суд мажлисида ўқиб эшиттирилган ва текширилгандагина ҳавола қилиниши мумкин» деб кўрсатилган бўлиб, суд ушбу Пленум қарори тушунтиришларидан келиб чиқиб, судланувчи А.Неъматовнинг содир қилган жиноятига суд жараёнида текширилиб, аниқланган ҳолатларга кўра баҳо беришни лозим топади.

Суд, судланувчи А.Неъматовнинг фирибгарлик, яъни алдаш ёки ишончни суистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга



киритишда ифодаланган жиноий хатти-ҳаракатлари тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Бироқ, тергов органи томонидан судланувчи А.Неъматовга нисбатан пора бериш, яъни давлат органи мансабдор шахсининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора берган шахсининг манфаатларини кўзлаб бажариши эвазига унга бевосита ёки воситачи орқали қонунга хилоф равишда эканлигини била туриб, пора беришга далолат қилган деб Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 28,211-моддаси 1-қисми билан асоссиз айб эълон қилинган.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 11 октябрдаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисидаги” 35-сонли Пленум Қарорининг 2-бандида “Агар шахс (шу жумладан мансаб ваколоти йўқлиги ёки ўз хизмат мавқеидан фойдалана олмаслиги туфайли муайян ҳаракат (ҳаракатсизлик)ни аслида амалга ошира олмайдиган мансабдор шахс), гўёки мансабдор шахсга пора сифатида бериш учун пул ёки бошқа қимматликларни олиб, бироқ аслида бундай нияти бўлмасдан, уларни ўзлаштира, қилмиш фирибгарлик сифатида квалификация қилиниши лозим. Агар қимматликларни эгаллаш мақсадида уларнинг эгаси айбдор томонидан пора беришга далолат этилган бўлса, унинг ҳаракатлари фирибгарликдан ташқари пора беришга далолат этиш сифатида қўшимча квалификация қилиниши лозим. Қимматликлар эгасининг ҳаракатлари эса, бундай ҳолларда, пора беришга суиқасд сифатида квалификация қилиниши керак деб баён қилинган бўлиб, суд мажлисида сўралган жабрланувчи Э.Эшов ўз кўрсатувида А.Неъматов 4 сотих ер майдонини унинг номига ҳужжатларини расмийлаштириб беришида юқори ташкилотларда ишловчи мансабдор танишларига ундан олган сумманинг бир қисмини беришлиги тўғрисида айтмаганлиги, бу ишни айнан қайси мансабдор шахс орқали амалга оширишлиги тўғрисида ҳам айтмаганлиги, унга фақатгина ҳужжатларни расмийлаштириш учун ҳаражатларига ишлатишини айтиб ундан 1.900 АҚШ доллари пулларини олганлигини баён қилган.

Судда суралган судланувчи А.Неъматов ўз кўрсатувида Э.Эшовга 4 сотих ер майдонини ҳокимлик ёки бошқа ташкилотларда ишловчи танишларига у берган пулнинг бир қисмини бериб, ҳужжатларни расмийлаштириб беришлиги тўғрисида айтмаганлиги, уларни ўртасида бу мазмунда гап бўлмаганлигини, бирон бир шахсга пора бериш мақсади бўлмаганлигини, фақатгина онлайн аукцион бўлган вақтда ер майдони бўлиб қолса, шу ер майдонини ҳужжатлаштириш учун кетадиган ҳаражатларини назарда тутиб, ҳаражатлари бор деб айтганлигини баён қилган.

Мазкур ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда, суд судланувчи А.Неъматовнинг ҳаракатида пора берувчини пора беришга далолат қилишда ифодаланган жиноят таркиби мавжуд бўлмаганлиги сабабли айбловни ушбу қисмини Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 83-моддаси 1-



қисми 2-бандига асосан ҳаракатдан тугатиб, уни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 28,211-моддаси 1-қисми билан оқлашни лозим топади.

Суд, судланувчи Неъматов Асатулло Махмудовичнинг жиноят содир этишдаги ҳолатини муҳокама қилиб, унинг айбига тўлиқ иқрорлиги ва пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, моддий зарар тўлиқ бартараф этилган бўлиб, жабрланувчининг даъвоси йўқлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жиноятни ғараз мақсадда содир этганлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб баҳолайди.

Суд, судланувчи А.Неъматовга жазо тури ва миқдорини белгилашда, унинг айбига тўлиқ иқрорлигини ҳамда муқаддам судланмаганлигини, содир этган қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, содир этган жиноятининг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, жиноятнинг келиб чиқиш сабаб ва оқибатларини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 03 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 01-сонли Қарорининг 2-бандидаги, судларга тушунтирилсинки, Жиноят кодексининг 10-моддасида назарда тутилган жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи жазо қўллашнинг шартлигини англамайди, шу туфайли судлар, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган, етказилган зиённи қоплаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 65, 66, 70, 71-моддаларига мувофиқ жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш масаласини муҳокама қилишлари лозим деб берилган раҳбарий тушунтиришларига риоя қилган ҳолда, қонунийлик, одиллик ва инсонпарварлик принципларига асосланиб, ЖКнинг 168-моддаси 1-қисмида назарда тутилган ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этганликда айбли деб топиб, тергов органи томонидан қилмиш ҳаракатини сунъий равишда оғирлаштириб, кквалификация қилиниши жараёнида унинг ярашувга нисбатан бўлган ҳуқуқи йўқолганлиги, моддий зарар тўлиқ баратараф этилганлиги, жабрланувчининг даъвоси йўқлиги ва унга қонуний енгиллик беришни сўраб кўрсатув берганлигини алоҳида эътиборга олиб, А.Неъматовни ҳозирда ижтимоий хавфлилигини йўқотган деб эътироф этиб, унга нисбатан жазо тайинланмасдан ҳам қонунга итоаткорлик руҳида тарбиялаш мумкин деган хулосага келиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 70-моддасига асосан уни жазодан озод қилишни, унга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилишни лозим топди.

Бинобарин суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-455, 457, 460, 463, 465-468, 471-473, 475-476-моддаларини қўллаб, -

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Неъматов Асатулло Махмудович (Ne'matov Asatullo Maxmudovich), Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 28,211-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбсиз деб топилиб, айбловнинг ушбу қисми ҳаракатдан тугатилсин ва оқлансин.



Неъматов Асатулло Махмудович (Ne'matov Asatullo Maxmudovich), Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилсин.

Неъматов Асатулло Махмудович Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 70-моддасига асосан жазодан озод қилинсин.

Ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг судланувчи Неъматов Асатулло Махмудовичга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги “тилхат” эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Судланувчи А.Неъматовни 2023 йил 10 январь куни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” банди билан бўлган жиноят иши бўйича Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 227-моддаси тартибида ушланганлиги инобатга олинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ва ишда тараф бўлмаган шахслар ҳам суд ҳукмининг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор қисми устидан ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб йигирма сутка ичида шу суд орқали Самарқанд вилоят судининг жиноят ишлари бўйича апелляция инстанциясига шикоят бериши ёки протест билдиришига ҳақли эканлиги, белгиланган муддат ўтганидан кейин берилган шикоят ёки протест оқибатсиз қолдирилиши тушунтирилсин.

Раислик қилувчи судья:

Г.Негматов

